



**«Муҳаммадни ҳақ ила юборган Зотга қасамки, Аллоҳнинг Китобида – ёки «Аллоҳнинг китобларидан баъзисида», ёки шунга ўхшаш гап айтди. Ҳусайн: «Менинг эсимдан чиқиб қолди», деган – отангга алоқаси бор одамдан ҳеч алоқангни узмагин. Яна ўша ила нуринг ўчиб қолмасин», дейилган».**

**Шарҳ:** Демак, ота вафот этиб кетса-ю, отанинг дўстлари, яхши кўрган кишилари, эҳтиром қилиб юрган одамлари бўлса, улардан алоқани узмаслик лозим. Улар билан яхши бир муомалада бўлиб, қўлидан келган яхшилигини қилиб, дуоларини олиш, отасига кўрсатадиган ҳурмат-эҳтиромни уларга кўрсатиб юриш керак.

Отам ўлди, деб унинг дўстларини унутиб юборган кишининг нури ўчиб қолар экан. Бу ниҳоятда оғир бир мусибат бўлар экан.

هُلِّلْ اِلَّا لَصِدِّهِ لَوْلَا لُؤْسُ رَلِّ اِقْ : لَاقِمِ اَشْمِ نَبِّ شِرَاحِ لَلِ نَبِّ نَمَّ حَّرْلَلِ دَبَّ عَنِّ بَ عَمْرُكُ عَنِّ ع  
«كُرُونُ كَلِّ ذَبَّ اَفْطَيَّ فَ كُوبَا هُلَّ صَيَّ نَا كُ نَمَّ عَطَّقَتْ اَلْ كَيَّ بَا دُو كُ دُو» : مَلَّ سَوَّ هِيَّ لَع

Икрима ибн Абдурраҳмон ибн Ҳорис ибн Ҳишомдан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Отангнинг дўсти сенинг дўстингдир. Отанг алоқа қилган шахсдан алоқангни узма, яна нуринг ўчиб қолмасин», дедилар».**

**Шарҳ:** Яъни «Отангнинг дўсти сен ҳам дўст тутишинг керак бўлган кишидир. Отанг билан алоқада бўлган кишидан алоқангни узмагин. Мабодо алоқани узадиган бўлсанг, нуринг ўчиб қолади».

Демак, фарзанд отага қилаётган яхшилигини унинг вафотидан кейин ҳам давом эттирай деган ниятда бўлса, ота-онасига дўст-дугона бўлган кишиларнинг ҳурматини қилиб, уларни отасининг ўрнида кўрса, ота-онасининг ортидан яхшилик қилганнинг ўрнига ўтар экан.

**«Яхшилик ва силаи раҳм» китоби 1-жуз.**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7613-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.